

# **Депутатлар фаолияти саҳоватга улашди.**



Халқ депутатлари, Олтинсой туман Кенгashi Қорлиқ 15-сайлов округидан сайланган депутат Закиров Шавкат Хуррамович 2022 йил ўзи сайланган ҳудудида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Депутат томонидан Қорлиқ маҳалласи фуқаролари билан учрашиб уларни муаммолари билан танишиб бартараф этиш чораларини кўрди.

Шу билан биргаликда тадбиркорлар, нуронийлар, аёллар дафтари, Темир дафтари ҳамда ёшлар дафтарида турган фуқароларни муаммолари билан ҳам танишиб бартараф этиш чораларини кўрди.

Аёллар дафтарида турадиган Қорлиқ маҳалласида яшовчи фуқаро Беғам Абдуллаевнани оилавий шароити бориб урганилганда яшаш шароити оғирлигини ҳисобга олиб депутат Ш.Закиров, хомийлар ҳамда тегишли ташкилотлар билан биргаликда фуқаронинг яшаш уйини таъмирлаш ишларни бошлаб юборди.